



2020 .г. « 11 » январ № 4-К

Жомбой т., – г. Джамбай

Жомбой тумани “Найман” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан Давлат мактабгача таълим ташкилоти биносини қуришга ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатдан янги тизимга ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5717-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2019 йил 26 декабрдаги 02-02/1-1993-сонли хатини, туман ҳокимининг 2020 йил 10 январдаги 3-Қ-сонли қарорини, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг далолатномасини ҳамда тўпланган бошқа ҳужжатларни кўриб чиқиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Тумандаги “Найман” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан жойлашган туман ҳокимлиги захира фонди ҳисобидаги (қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдонидан Давлат мактабгача таълим ташкилоти биносини қуриш учун 0,38 гектар ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.
3. Туман мактабгача таълим бўлим мудирини (Д.Облокулова)га ажратилган ер майдони бўйича белгиланган тартибда вилоят экология экспертизасидан экологик ҳулоса олиш, лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлатиш ҳамда тегишли ташкилотларнинг рухсати олингандан сўнг қурилиш ва ободонлаштириш ишларини бошлаш вазифаси юклатилсин.
4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Ж.Каримов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитекторини (И.Рашидов)га Давлат мактабгача таълим ташкилоти бино иншоотлари қурилишини лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.
5. Самарқанд вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр Давлат корхонаси Жомбой тумани филиали бошлиғи (И.Рахимов)га ушбу ер майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.
6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари Х.Ҳамраев ва А.Садуллаевлар зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Х.Туйчиев